

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айланттириш;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пулик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айланттириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

б) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгашини (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасаларида шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, кўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимида жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида

икки марта Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади;

Кенгаш томонидан тайёрланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Кенгаш фаолияти натижалари, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида давлат олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдида асосий маълумотлар, жумладан мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019 йил 1 декабрь кунига қадар 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутовчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган «Йўл харитаси» бажариши яқунларини пухта ўрганиш асосида Концепцияни келгуси йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Йўл хариталари»нинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борсин.

7. Қуйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимовга — масъул вазирликлар ва идораларнинг Концепция ҳамда «Йўл хариталари»ни бажариш бўйича фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, «Йўл хариталари» бажарилишини мониторинг қилиш давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва «Йўл хариталари»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидовга — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазибаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 октябрь,
ПФ-5847-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон **Фармони**га
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **қарори** ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазибалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2-боб. Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртки таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та). Сўнгги 3 йилда 1 693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9 636 нафарга етди (шундан 2 130 нафари фан доктори (DSc), 7 506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.

2017 — 2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар).

Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:

а) олий таълим билан қамров ва таълим сифатини таъминлаш соҳасида:

олий таълим билан қамров даражаси пастлигича қолмоқда;

амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари улуши юқорилигича қолмоқда;

олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас;

талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда;

ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолиб, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермайди, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган;

олий таълим муассасаларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф механизмлари жорий этилмаган, олимпиадалар ғолиблари билан ишлаш тизимли равишда йўлга қўйилмаган;

иқтидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас;

педагог ходимларнинг малака ошириш тизими самарали ташкил этилмаган, жумладан малака ошириш муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинмаган, малака оширишга жалб этишда тингловчиларнинг салоҳияти инобатга олинмайди;

олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий кадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжуд;

б) илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида:

олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаган, таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогнозлаштириш фаолияти йўлга қўйилмаган;

инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти атиги 36,4 фоизни ташкил этмоқда;

илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши 49 бўлиб (фан докторлари — 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари — 43 ёш), юқорилигича қолмоқда, фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши 45 фоизни ташкил этмоқда;

илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган;

сўнгги йилларда нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони камаймоқда;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган;

в) олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш соҳасида:

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қувватлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди, уларнинг аксарият қисмида бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаган;

олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув ва илмий лабораториялар билан жиҳозланиш даражаси етарли эмас, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув лаборатория ускуналарининг салмоғи атиги 10 фоизни ташкил этади, шу билан бирга ўқув жараёни лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан етарлича таъминланмайди;

олий таълим муассасалари молиявий харажатларининг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, ўқув ва илмий лабораторияларни янгилашга, бино ва иншоотларни таъмирлашга етарлича маблағ йўналтирилмаяпти;

г) олий таълимнинг жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш соҳасида:

республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари Webometrics халқаро рейтингининг 1 000 талик рўйхатига кирмаган;

таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган;

мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган;

хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан PR-лойиҳалар (Ўзбекистон олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдимотлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа мавжуд эмас.

3-боб. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

Олий таълим тизимининг ривожланиши мазкур Концепция **иловасида** белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади.

Қуйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш;

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

1-§. Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш;

халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази — Президент университетини ташкил этиш;

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

хотин-қизларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, таълим олишда гендер тенглиги тамойиллари устуворлигини таъминлаш, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мунтазам равишда хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб қилишга йўналтирилган кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш;

индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

талабалар билиминини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шаклларини ривожлантириб бориш;

фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайтириш ҳамда туташликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш;

гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш;

илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тартибини соддалаштириш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, кутубхоналар фондларини мунтазам равишда янгилаб бориш;

танлов асосида аниқланган ва ўқув адабиётларига муаллифлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкмасини тақсимлаш механизминини такомиллаштириш, бунда уларнинг умумий йиллик юкмасларида ўқув адабиётларини яратиш учун ажратилган вақтни дарс ўтиш юкмаси вақти ҳисобидан оширишни назарда тутиш;

имконияти чекланган талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, таълимда инклюзив жараёнларни ривожлантириш, адаптив технологияларни жорий этиш;

барча олий таълим муассасаларида дарс машғулоти бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро ташриф (peer review) тизимини ривожлантириш асосида талабаларга таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш;

фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш;

хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида миллий сўров ўтказиш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар ва талабалар улушини тизимли равишда ошириб бориш;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида талабаларнинг ишдан ажралмаган ҳолда ўқишини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим шаклларида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, бунда рақамли технологияларга асосланган замонавий таълим технологияларини жорий этиш;

иқтисодиётнинг замонавий талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг ишлаб чиқариш, малакавий ва бошқа турдаги амалиётларини мазмунли ташкил этиш учун услубий базани ишлаб чиқиш ва ривожлантириб бориш;

республика олий таълим муассасалариаро ички академик мобиллик дастурларини, ўзаро тажриба алмашиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида профессор-ўқитувчилар ва докторантлар академик мобиллиги дастурларини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларига қабул жараёнларида битирувчиларнинг аттестатидаги ўртача баҳони инобатга олган ҳолда, таълим йўналишларига мос бўлган фанлардан миллий ва халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тажрибасини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

миллий баҳолаш тизими сертификатлари тақдим этиладиган фанлар рўйхатини кенгайтириш, бундай хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат муассасалар фаолиятини кўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасалари фан олимпиадаларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, баҳолаш механизмларини халқаро олимпиада ва танловлар мезонларига мослаштириш.

2-§. Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш

Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «Е-

MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

олий таълим муассасасининг конференция материаллари, битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларидан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш, келгусидаги илмий-техник маълумотлар янгиллигини таъминлаш мақсадида антиплагиат тизимидан фойдаланишни кенг жорий этиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро микёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш;

олий таълим муассасаларидан олинadиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва хужжатлар айланмасини электронлаштиришни таъминловчи «Электрон университет» платформасига босқичма-босқич ўтиш, таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этиш;

олий таълим муассасалари педагог ходимлари, бакалавриат, магистратура талабалари ва докторантларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб борувчи электрон база (Student Record System) юритилишини йўлга қўйиш асосида унинг миллий тизимини яратиш;

халқаро молия ташкилотлари кўмагида олий таълим соҳасидаги ўқув-услубий, меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек давлат интерактив хизматлари кўрсатишга доир маълумотларни ўзида мужассам этган ва мунтазам янгиланиб турадиган олий таълимнинг ягона ахборот платформаси — «Олий таълим бошқаруви ахборот тизими»ни ишга тушириш, унда вакант ўринларга ўтказилаётган танловларга оид эълонларни ҳамда аризаларни онлайн қабул қилиш имкониятларини назарда тутиш.

3-§. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича куйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалавриат талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «spin-off» ва «spin-out» корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш;

халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш;

нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

олий таълим муассасалари илмий журналларининг Scopus, ScienceDirect ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

халқаро илмий-техник маълумотлар базасига кирувчи нуфузли илмий нашрларда мақолалар эълон қилиш орқали фаолиятининг илмий натижалари халқаро даражада тан олиншини белгиловчи кўрсаткич «Хирш» индекси (h-индекс) юқори бўлган олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш илмий изланувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб бориш тизимини жорий этиш;

олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини кўтариш, уларни статистик, техник ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш механизмларини яратиш, бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий даража ва унвонларга эга ходимлар ёши нуқтаи назаридан оптимал нисбатига эришиш;

илмий-тадқиқот муассасалари олимларини таълим жараёни ва илмий раҳбарликка жалб қилиш, магистратура ва докторантура босқичларидаги илмий ишларни мазкур илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилиши ҳамда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жаҳон илмий тадқиқотлар бозори тенденцияларидан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасасида (факультет, кафедра ва лабораториялар кесимида) илмий тадқиқотларни тор ва фанлар туташлигидаги соҳаларга ихтисослаштириш, уларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий ривожланиш эҳтиёжларига мослаштириш, қиёсий устунликка эга бўлган истиқболли илмий йўналишларни белгилаш, ушбу йўналишларда юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва талабалар салмоғини ошириш;

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ҳамда Урганч давлат университети ҳузуридаги «Хоразм» инновацион технопаркининг фаолияти самарадорлигини ошириш;

халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш орқали инновацион фаолият инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида «Хужайра ва молекуляр биотехнология», «Тиббий генетика», «Экофизиология», «Материалшунослик», «Энергия тежовчи технологиялар, назорат-ўлчов ва автоматлаштирилган тизимлар», «Қурилиш материаллари» ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологияси» йўналишлари бўйича 7 та олий таълим муассасалариаро илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказида замонавий илмий-тадқиқотлар амалга оширилишини таъминлаш ва ривожлантириб бориш;

илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтлари ҳамда нуфузли хорижий олий таълим ва

илмий тадқиқот муассасалари билан етакчи маҳаллий олий таълим муассасаларининг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бунда менторлик моделидан кенг фойдаланиш;

профессор-ўқитувчилар томонидан юритилиши лозим бўлган турли журнал ва ўқув-услубий ҳужжатлар сонини қатъий қисқартириш орқали уларнинг илмий фаолиятини жадаллаштириш;

илмий-тадқиқот ишларини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги, шу жумладан ҳудудий миқёсдаги мавжуд муаммоларнинг инновацион ечимига қаратиш, фанлар туташлигидаги муаммоларни кенг тадқиқ этиш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, академик лицейларга жалб қилиш, олий таълим муассасаларига саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш, илмий фаолиятга бўлган қизиқишини ошириш, «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш, бу борадаги маълумотлар электрон базасини яратиш;

олий таълим муассасаларининг Ёшлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш;

олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини ошириш, мақсадли докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий даража дастурларини ишлаб чиқиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари фаолиятини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, илмий кенгашлар ва ҳимоялар тизимини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш;

илмий даражалар ва унвонлар бериш ваколатини босқичма-босқич олий таълим муассасаларига бериш;

докторантурага қабул қилиш шартларини белгилашда олий таълим муассасаларига эркинлик бериш, талабгорларни саралаб олишда уларнинг илмий ютуқларига алоҳида эътибор қаратиш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар мажлисларини ҳудудлардаги олий таълим муассасаларидан туриб онлайн кузатиш платформасини яратиш.

4-§. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни талаб этадиган таълим-тарбия усуллари билан фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида спортни кадрият сифатида ривожлантириш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний кадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий кадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш;

имконияти чекланган талабаларнинг ижтимоий мослашуви учун кенг шароитлар яратиш, инклюзивлик ғояларини тарғиб қилиш;

ёшлар тарбиясида ота-оналар, маҳаллалар ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини тизимли ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳлари ишини такомиллаштириб бориш, талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот ишларини кучайтириш;

талаба-ёшларни ҳунар ўрганиш, янги билим эгаллаш, ўз устида ишлаш, замонавий технология ютуқларидан мақсадли фойдаланиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ундаш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун таълим муассасаларида шарт-шароитлар яратиш;

талаба-ёшларни турли ахборот хуружлари, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, улар томонидан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш, Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

«Мақтаб — маънавият ва маърифат ўчоғи» концепцияси доирасида олий таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ўқувчи-ёшларни маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш каби масалаларда менторлик модели асосида ҳамкорлигини ривожлантириш.

5-§. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш;

битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини иқтисодиётнинг реал сектори, шунингдек ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий объект) муаммолардан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда мавзуларни тор қамровда чуқур тадқиқ қилишга ўтиш;

олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш;

талабаларнинг тегишли соҳа бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда таълим жараёнидан ташқари вақтда меҳнат фаолияти олиб боришларига шарт-шароит яратиш;

илмий-техник буюртма ва грантларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларга янгича ечим топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, таълимда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва амалий мисоллардан кенг фойдаланиш

каби йўналишларда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедралари филиаллари, олий таълим муассасалари ҳузурида ишлаб чиқариш корхоналари таркибий бўлинмаларини, технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолиятини ташкил этиш, технологиялар трансферини амалга ошириш орқали таълимнинг ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини рағбатлантириш;

педагог ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида малака ошириш тизимини жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга, бироқ илмий даражаси бўлмаган мутахассисларни таълим жараёнига, жумладан таклиф этилган ва фахрий ўқитувчи сифатида жалб этишнинг таъсирчан механизмларини амалиётга татбиқ этиш, бунда ушбу мутахассисларни муайян соҳадаги стажига мувофиқ тегишли лавозимларга ишга қабул қилиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулотлари ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш тартибини такомиллаштириш, бунда амалий кўникмаларни тасдиқловчи сертификатлар бериш тизимини жорий этиш;

кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш йўли билан мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмларини яратиш;

олий таълим муассасалари тузилмасини ислоҳ қилиш асосида фаолияти талабалар амалиёти ва ишга жойлашишига ҳар томонлама кўмаклашиш, потенциал иш берувчилар рўйхатини шакллантириб бориш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек аввалги битирувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган «Карьера марказлари»ни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари битирувчиларининг билим ҳамда кўникмаларини баҳоловчи марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш каби масалаларда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш, мазкур масалаларда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга тезкор жорий этилишини таъминлаш, ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш, илмий фаолият нуфузини кўтариш мақсадида докторлик (таянч докторлик) илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоялар тизимини жорий этиш;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар танловларида илмий натижаларнинг тижоратлаштирилиши, уларнинг амалиётга жорий этилиши муддатидан келиб чиққан ҳолда грантлар миқдори ва давомийлигини белгилаш;

васийлик кенгашлари таркибини кадрлар буюртмачилари, йирик иш берувчилар, жамоат арбоблари ва тегишли соҳада катта ютуқларга эришган тадбиркорлар ҳисобидан шакллантириш;

битирувчилар малакасининг ишлаб чиқариш талабларига мос келишини аниқлаш, кадрлар тайёрлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш мақсадида ҳар йили республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида миллий сўровлар ўтказиш анъанасини йўлга қўйиш.

6-§. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш

Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш;

иктисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

курулиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион технологияларга асосланган, ресурстежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланиш бўйича илгор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллаш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан мунтазам равишда зарур миқдорларда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

имконияти чекланган талабаларга олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари биноларида қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

олий таълим муассасаларида хорижий фуқароларнинг истиқомат қилиши ва таълим олиши бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондиди янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган эндаумент жамғармаларини (endowment fund) ташкил этиш.

7-§. Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш

Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) кадрлар тайёрлаш сифати ва кўламини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаларини қуйидаги тоифаларга ажратиш ва уларни ривожлантириш стратегияларини белгилаш:

биринчи тоифа — флагман университетлар (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети);

иккинчи тоифа — илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи ҳудудий олий таълим муассасалари;

учинчи тоифа — соҳалар учун таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича таянч муассасалар ролини бажарувчи тармоқ олий таълим муассасалари;

б) институт мақомидаги олий таълим муассасалари фаолияти кўламини кенгайтириш ва институционал салоҳиятини кучайтириш орқали уларни университетга айлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

в) олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб босқичма-босқич йириклаштириб бориш;

г) тажриба тариқасида давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш;

д) олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда Республика олий таълим кенгаши нуфузи ва фаоллигини ошириш, масъулиятини кучайтириш, олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш;

е) олий таълим тизимида бошқарув жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида оптималлаштириш, давлат интерактив хизматлари кўламини кенгайтириш;

ж) олий таълим муассасаларини ривожлантиришда стратегик режалаштириш тамойилларини жорий этиш, бунда васийлик кенгашлари масъулияти ва ролини ошириш;

з) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси функцияларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, бунда таълим сифатини баҳолашнинг янги механизмларини жорий этиш, кадрлар буюртмачилари ва талабалар ўртасида ўтказилган миллий сўров натижаларини чуқур тадқиқ қилиш орқали муаммоларни бартараф этиш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини таъсирчан инструментлар ёрдамида назорат қилиб бориш, битирувчилар сифати ва уларнинг ихтисослиги бўйича ишга жойлашиш масалаларига эътибор қаратиш;

и) таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш;

й) олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш ва юқори лавозимларга тайинлашда олий таълим тизими ривожини учун ўзининг муносиб хиссасини кўшувчи кадрларни танлаш, уларнинг фаолияти, профессионал хусусиятлари, соҳа олдидаги алоҳида хизматларини адолатли ва холисона баҳолашни назарда тутувчи меритократия тамойилларини қўллаш, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда гендер тенглиги тамойилларига қатъий риоя қилиш;

к) олий таълим муассасалари раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантириш, мақсадли ўқитиш ва тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

л) олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ротация қилиш механизминини жорий қилиш.

8-§. Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш

Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш;

олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалол, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

олий таълим муассасаларининг жамият олдидаги ҳисобдорлиги ва таълим сифатини таъминлашдаги масъулиятини ошириш, кенг жамоатчиликни шаффофлик ва холислик тамойиллари асосида таълим хизматлари сифати тўғрисидаги маълумотлар билан хабардор қилиб бориш;

профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

абитуриентлар ва магистратурада таълим олиш учун талабгорлар ҳужжатларини қабул қилиш, барча касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш, уларнинг билимини баҳолаш, ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнларида суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, шаффофликни таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ушбу касб жозибadorлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоатчиликка ахборот тақдим этишнинг тезкор ва замонавий шакллари жорий этиш;

малака ошириш, илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда шаффофликни таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очикликни таъминлаш, ўқув йили яқунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш;

олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиниши, харажатлар сметаларини шакллантириш тартибига амал қилиш ва ички молиявий тафтиш ишларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда коррупцияга оид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш;

олий таълим тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

9-§. Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш

Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ошишидаги иштирокини ва мамлакат ижобий халқаро имиджини шакллантиришдаги ролини ошириш;

республика олий таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириш, илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида таълим дастурларини жаҳонда тан олинган халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим тўлиқ хорижий тилларда олиб бориладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, факультетлар салмоғини ошириб бориш;

хорижий фуқароларни олий таълим муассасаси томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган суҳбат асосида магистратура ва докторантурага қабул қилиш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

таълим хизматлари экспортини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш;

«Study in Uzbekistan» («Ўзбекистонда таҳсил ол») лойиҳасини амалга ошириш, мамлакат таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча олий таълим муассасалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб бориш;

таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имижини шакллантириш стратегияси бўйича дастур қабул қилиш;

олий таълим муассасалариаро халқаро фан олимпиадаларини ташкил этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш;

ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий журналлар, шунингдек таълим форумлари, ректорлар конференциялари ва бошқа анжуманлар ташкил этиш;

олий таълим муассасалари расмий веб-сайтларини Webometrics ташкилоти рейтинг тизимида эгаллаган ўринларини яхшилаб бориш, шу жумладан олий таълим муассасалари томонидан етакчи ташкилотлар ва корхоналарда битирувчиларнинг ишга жойлашиши ҳақидаги маълумотлар, таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, илмий-техник салоҳияти, профессор-ўқитувчилар, инфратузилмаси, эришган ютуқлари каби асосий маълумотларни веб-сайтларда мунтазам равишда эълон қилиб бориш;

хорижий мамлакатларда маҳаллий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида таълим олиш учун хорижий фуқароларни жалб этиш бўйича маҳаллий ва хорижий агентликлар томонидан консалтинг хизматлари кўрсатилишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

республика олий таълим тизимининг халқаро имижини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, хорижий мамлакатлардаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, замонавий PR-лойиҳаларни амалга ошириш;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада мамлакат таълим тизими манфаатларига мос келувчи инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан қутилаётган натижалар

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратилади;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантирилади;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасаси халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд

давлат университетининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киришига эришилади;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади;

олий таълим мазмуни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллиги таъминланади;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси босқичма-босқич жорий этилади;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилади ҳамда улар тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ этувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқилади;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналлари халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланади;

Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантирилади;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлиги оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;

олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан камров даражаси оширилади, улар учун инфратузилмага оид шароитлар яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш [концепциясига](#)
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш
концепциясининг**

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида					Масъул ижрочилар
			2019	2020	2023	2025	2030	

1.	Олий таълим билан камраб олиш даражаси	фоизда (жами битирувчилар сонига нисбатан)	20	25	30	35	50	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида	нодавлат олий таълим муассасалари сони	5	10	20	28	35	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги
3.	Хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида ўқитишни ташкил қилиш (кўшма таълим дастурлари бундан мустасно)	хорижий дастурлар асосида ташкил этилган олий таълим муассасалари сони	23	26	31	36	45	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
4.	Муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улуши	фоизда (жами талабалар сонига нисбатан)	25	28	35	40	50	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
5.	Бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларидан магистратура мутахассисликларига қабул қилинган талабалар	фоизда (бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига нисбатан)	7	10	15	17	22	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги
6.	Хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар улуши	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	2	4	10	15	20	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
7.	Республика олий таълим муассасаларига жалб	фоизда	1	2	5	8	12	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

	килинган хорижий профессор-ўқитувчилар улуши (хорижий олий таълим муассасалари бундан мустасно)	(профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)							Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
8.	Малака ошириш курсларида дарс берувчи хорижда малака оширган профессор-ўқитувчилар улуши	фоизда (малака ошириш курслари профессор-ўқитувчилари сонига нисбатан)	5	15	40	60	80		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
9.	Кредит-модуль тизими жорий этиладиган олий таълим муассасалари	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	2	5	16	57	85		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
10.	Ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улуши	фоизда (машғулотлар сонига нисбатан)	35	45	55	70	80		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
11.	Ўқув ва илмий адабиётларнинг электрон шаклда мавжудлиги	фоизда (ўқув ва илмий адабиётлар сонига нисбатан)	20	30	50	70	90		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
12.	Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг жорий этилиши	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	20	30	80	100	100		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
13.	Таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорат қилиш	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	мавжуд эмас	20	50	100	100		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

14.	Ўқитишда рақамли технологиялар, шу жумладан «E-MINBAR» электрон платформи, онлайн, вебинар технологиялар жорий этилган олий таълим муассасалари	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	мавжуд эмас	10	40	80	100	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
15.	Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши)	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	36	38	40	60	70	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий аттестация комиссияси
16.	Магистратура мутахассислиги битирувчиларини илмий фаолиятга йўналтириш	фоизда (магистратура мутахассислиги битирувчилари сонига нисбатан)	15	29	32	38	45	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги
17.	«Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалар	индексланувчи журналлардаги мақолалар сони	750	1 200	2 500	4 000	7 000	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
18.	«Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритилган олий таълим муассасалари илмий журналлари	илмий журналлар сони	мавжуд эмас	2	10	25	35	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
19.	Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган «Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори	профессор-ўқитувчилар сони	142	171	295	460	900	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги

	бўлган профессор-ўқитувчилар							
20.	Хорижий талабаларнинг улуши	фоизда (жами талабалар сонига нисбатан)	1	3	6	10	15	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Изоҳ: юқоридаги кўрсаткичларга эришиш учун таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳам масъул ҳисобланадилар, шунингдек бошқа манфаатдор давлат органлари ўзларининг ваколатлари доирасида амалий ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармониغا 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
1.	Хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.	1. Хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
2.	Нодавлат олий таълим муассасалари томонидан, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш.	1. Нодавлат, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган шахсларга ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатиш. 2. Нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш.	2019 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
3.	Ўзгарувчан ўқув режалари ва дастурларини жорий этиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари инобатга олган ҳолда махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш.	1. Ўзгарувчан ўқув режалари ва дастурлари, махсус таълим дастурлари бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш. 2. Хорижий тажрибалар асосида ўзгарувчан ўқув режалари ва таълим дастурлари, махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		3. Ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурларини синовдан ўтказиш учун олий таълим муассасалари ва таълим йўналишларини белгилаш.		
4.	Табиий ва муҳандис-техник соҳаларда кадрлар тайёрлашни кенгайтириш.	1. Табиий ва муҳандис-техник соҳалари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2. Табиий ва муҳандис-техник соҳалар бўйича 2020/2021 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш.	2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Ходжаев</i>), Фанлар академияси (<i>Б. Юлдашев</i>)
5.	Кундузги ўқиш шакли бўйича бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини қайта кўриб чиқиш.	1. Ўқув режалари ва таълим дастурларини хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш орқали кундузги ўқиш шакли бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиқиб 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12 нисбатда белгилаш ва келгусида 1:16 нисбатга босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда олий таълим муассасаси кенгашларига зарур ҳолатда мазкур нисбатни 50 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқини берувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2019 йил октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Ходжаев</i>)
6.	Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.	1. «E-MINBAR» электрон платформаси, онлайн, вебинар технологияларни татбиқ этиш соҳасида хорижий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини ўрганиш.	2019 йил октябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Лойиҳа бошқаруви

		2. Олий таълим муассасаларида «E-MINBAR» электрон платформасини яратиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш.		миллий агентлиги (<i>Д. Лу</i>), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
7.	Республика олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ролини ошириш.	1. Республика олий таълим муассасалари васийлик кенгашларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижасига кўра, олий таълим муассасалари васийлик кенгашлари бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
8.	Олий таълим муассасаларининг замонавий бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш, раҳбарлик лавозимларига муносиб номзодларни тайёрлаш ҳамда уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириб бориш тизимини такомиллаштириш.	Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари захирасига киритиладиган номзодларга қўйиладиган профессионал компетенцияларга оид талаблар; номзодларнинг интеллектуал, психологик барқарорлик, ташкилотчилик маҳорати ва бошқарув салоҳияти даражасини аниқлаш, уларни социометрик сўров элементларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш тартиби; раҳбарлик лавозимларига тавсия этиладиган номзодларни мақсадли ўқитиш, уларнинг профессионал компетенцияларини ривожлантириш ва тегишли соҳалардаги билимларини ошириш механизмлари.	2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Давлат бошқарув академияси (<i>Х. Азизов</i>), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
9.	Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари — КРІ асосида олий таълим муассасалари раҳбар	1. Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари — КРІ асосида олий таълим муассасалари раҳбар	2019 йил октябрь 2019 йил	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>),

	<p>ходимлари фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.</p>	<p>ходимлари фаолиятини баҳолаш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш.</p> <p>2. Республика олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш.</p>	<p>ноябрь</p>	<p>таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар</p>
10.	<p>Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киришга салоҳияти юқори бўлган олий таълим муассасалари илмий журналларини аниқлаш ва уларни мазкур базаларга киритиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.</p> <p>2. Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида олий таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотларни хатловдан ўтказиш, рўйхатдан ўтмаган республика олий таълим муассасалари ҳақида маълумотлар киритиш, уларнинг ресурсларини шакллантириш.</p> <p>3. Олимлар томонидан чоп этиладиган мақолаларнинг соҳаларга тақсимланишидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари илмий журналларини нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киритиш учун мақсадли йўналтириш.</p>	<p>2019 йил давомида</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар</p>
11.	<p>Олий таълим муассасалари талабалари амалиётини самарали ташкил этиш.</p>	<p>1. Талабалар амалиётини кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотларда самарали ташкил этиш, амалиёт ўташ учун шарт-шароитлар яратиш ва ушбу жараённи такомиллаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил ноябрь</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар</p>

		2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
12.	Олий таълим муассасалари фаолияти тўғрисида фуқаролар хабардорлигини ошириш, жумладан ёшларни қизиқишлари бўйича олий таълим муассасаларида таълим олишга жалб қилиш.	1. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, илмий-техник салоҳияти, профессор-ўқитувчилар, инфратузилмаси, эришган ютуқлари каби доимий равишда янгиланиб бориладиган маълумотларни мужассам этган веб-портал яратиш. 2. Олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида таълим йўналишлари, ўқув-лаборатория базалари ва бошқа шароитлар тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш, олий таълим муассасалари ҳузурида «Ёзги мактаб»лар фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирларини тасдиқлаш.	2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
13.	Олий таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш.	1. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши ҳолатини таҳлил қилиш. 2. Кадрлар бунортмачилари билан ҳамкорликда битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	2019 йил октябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
14.	Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш.	1. Талабаларни адабиёт, санъат ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларда эстетик дид ва касбий этика, ахборот таҳлили маданиятини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш бўйича маънавий-	2019 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

	<p>маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва барча олий таълим муассасаларида мазкур чоратадбирлар режаси ижросини таъминлаш.</p> <p>2. Талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни амалий касб эгаси сифатида тайёрлаш ишларини ташкил қилиш ва тизимли равишда олиб бориш.</p>	
--	--	--

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон)